Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ
ҳадисларни шарҳлаш усули



Имом Бухорийнинг “Ал-жоме ас-саҳиҳ” (“Саҳиҳ ҳадислар тўплами”) асарининг ёзилиш услуби ҳадис илми олимлари томонидан эътироф этилган, бошқа муҳаддисларда асло учрамаган ўзига хос услубдир.

Асар «Ваҳийнинг бошланиши» بدء الوحي китоби билан очилиб, “Тавҳид” التوحيد китоби билан охирлайди.

Илк китоб “Ваҳийнинг бошланиши” эканининг сабаби, пайғамбарликнинг ибтидоси (яъни, рисолат) ваҳий билан бевосита боғлиқлигида. Ваҳийга доир оятнинг келтирилиши эса унинг “табаррукан”, яъни Аллоҳдан изн сўраш маъносида эканидадир.

Аҳмад ибн Муҳаммад Қасталоний “Саҳиҳул-Бухорий”нинг ҳошиясида асарнинг ваҳий билан бошланиши ҳақида шундай деган: “Ушбу асар وحى السنة “ваҳйу-с-сунна”, яъни Аллоҳ ўз элчисининг кўнглига солган ҳадисларни жамлагани учун”, муҳаддис باب كيف كان بدء الوحي؟ “ваҳийнинг бошланиши қандай бўлган?” боби билан бошлади. Чунки ваҳий шариатнинг сизиб чиққан булоғи, бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Бундан ташқари, ваҳий шаръий аҳкомларни баён қилиб келади. Шунинг учун Имом Бухорий юқорида келган оятга бевосита алоқадор бўлган: إنما الأعمال بالنية “Амаллар фақат ниятга кўрадир” ҳадисини келтиради. Чунки Аллоҳ таоло қуйидаги оятда барчани ният борасида тўғри бўлишга амр этган: وما أمروا إلا ليعبدوا الله مخلصين له الدين “Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка буюрилган”. Бу ерда “ният” сўзидан кўзланган мақсад “ихлос”дир.

“Саҳиҳу-л-Бухорий”даги ҳадислар сони ҳақида олимлар турли фикрда. Жумладан, Муҳаммад Фуад Абдулбоқий ҳар бир ҳадисни рақамлаб чиққан ва “Салафия табъаси” номли асарида уларнинг сони етти минг беш юз олтмиш учта деб айтган.

Имом Бухорий ўз асари бобларини номлашда ҳадисларнинг ўзидан иқтибос келтириш билан бир қаторда, уларни оятлар билан далиллаб, гўзал услубда шарҳлаб берган. Ҳадислардаги айрим сўзлар икки ва ундан ортиқ маъно ифодалаган ўринларда муҳаддис оятларга мурожаат қилади, улар асосида ҳадис маъносини очиб беради.

Муҳаддис Қуръон оятларидан келтирилган иқтибосларни ўз ўрнига қўйиб, ҳадисларни мукаммал тарзда шарҳлаб берган. Бу усул билан сўзларнинг матндаги маъноларини танлаб, ўқувчининг идрокига мос ва тушунарли баён қилган.

Имом Бухорий бу йўл билан уламолар ўртасида уйғониши мумкин бўлган турли ихтилофларга барҳам бериб, кўпчилик фикрини жамлашни ҳам билган. Унинг бошқа муҳаддислардан ажралиб турадиган устунлиги ҳам ана шунда эди. Масалан, муҳаддиснинг асардан ўрин олган “Жанозалар китоби”нинг 71-боби

باب من يدخل قبر المرأة “Аёл кишининг гўрига ким тушиб чиқади?” деб аталган. Ушбу бобда келтирилган ҳадис шундай:

حدثنا محمد ابن سنان حدثنا فليح ابن سليمان حدثنا هلال ابن علي عن أنس رضي الله عنه قال: شهدنا بنت رسول الله صلي الله عليه و سلم و رسول الله صلي الله عليه و سلم جالس علي القبر فرأيت عينيه تدمعان فقال : «هل فيكم من أحد لم يقارف الليلة ؟» فقال أبو طلحة: أنا. قال: « أنزل في قبرها».فنزل في قبرها قال ابن المبارك: قال فليح: أراه يعني الذنب . قال أبو عبد الله: «ليقترفوا» أي ليكتسبوا فقبرها

Анас р.а дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизларининг жанозасида қатнашдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабр устида ўтирар эдилар. Кўзлари ёш тўкаётганини кўрдим. Ул зот: “Орангизда бу кеча айб иш қилмаган киши борми?” дея сўрадилар. Абу Талҳа: “Мен”, деб жавоб қилди. Ул зот: “Қабрга туш”, деб буюрдилар. Шунда у қабрга тушиб, ўликни қўйиб чиқди. Ибн Муборак дейди: “Фулайҳ: “Ул зот гуноҳни кўзда тутган деб ўйламайман”, деган. Абу Абдуллоҳ айтади: “лийақтарифу”, яъни “қилинган гуноҳлари учун”.

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг هل فيكم من أحد لم يقارف؟ الليلة “Орангизда бу кеча айб иш қилмаган киши борми?” деган гапидаги لم يقارف “лам йуқориф”, яъни “айб иш қилмаган” ибораси киши эътиборини ўзига тортади. Аввало, бу сўзнинг луғавий маъносига эътибор берайлик. Араб тилида бу сўз “бировдан ийманиб, тортиниб гуноҳ ишлар қилмоқ; яқинлашмоқ; ишлаб улбул орттирмоқ” маъноларини англатса, бошқа бир маъноси “хотин кишига яқинлашмоқ”дир. Юқоридаги ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жамоага берган саволларида сўзни кейинги маънода қўллаганлар.

Имом Бухорий ҳадисда Ибн Мубораknинг шу сўзга фикрини келтириб, сўнгра ўз фикрини беради. Унинг ҳадис маъносини англаш учун келтирган фикри қуйидагичадир: Абу Абдуллоҳ (Имом Бухорий) айтади: ليقترفوا “лийақтарифу”, яъни “қилинган гуноҳлари учун”.

Муҳаддис ҳадисда келтирилган لم يقارف сўзини шарҳлашда Анъом сурасидан иқтибос келтиради:

و لتصغي إليه أفئدة الذين لا يؤمنون بالأخرة ولير ضوه و ليقترفوا ما هم مقترفون

“Унга (гапнинг гўзалига) охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалби мойил бўлиши, ундан рози бўлиб, қилинган гуноҳлари учун” . Ушбу оятда ليقترفوا “қилинган гуноҳлари учун” бирикмаси لم يقارف “айб иш қилмаган” сўзи билан ўзакдошдир. Бу феълларнинг ўзаги قرف дир.

Бу сўзнинг луғатларда берилиши қуйидагича: 1. жирканмоқ, нафратланмоқ, меъдасига урмоқ; 2. яқинлашмоқ, яқин келмоқ, касалга йўлиқмоқ, бирор ёмон иш қилмоқ, хотин киши билан яқинлик қилмоқ. Бу сўзни шарҳлаш учун мазкур оятдан иқтибос келтирилган.

Яна бир мисол, “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” “Ҳаж китоби” كتاب الحج нинг 93-боби қуйидагича номланган:

باب أمر النبي صلي الله عليه و سلم بالسكينة عند الإفاضة، و إشارته إليهم بالسوت

“Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг (сафардан) қайтишда тин олишга буюрганлари ва жамоага қамчи билан ишора қилганлари ҳақида”.

Ушбу сарлавҳа ҳадисдан олинган бўлиб, унинг тўлиқ кўриниши шундай:

حدثنا سعيد بن أبي مريم، حدثنا إبراهيم بن سويد، حدثني عمرو بن أبي عمرو مولي المطلب، أخبرني سعيد بن جبير مولي والبة الكوفي، حدثني ابن عباس رضي الله عنهما: أنه دفع مع النبي صلي الله عليه و سلم يوم عرفة فسمع النبي صلي الله عليه و سلم ورائه زجرا شديدا وضربا للإبل، فأشار بسوته إليهم وقال : «أيها الناس عليكم بالسكينة، فإن البر ليس بالإيضاع «.أوضعوا أسرعوا. (خلالكم) من التخلل بينكم، (و فجرنا خلالهما) بينهما

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бундай сўзлаб берди: “У арафа куни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга қайтаётган экан. Ўшанда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орқада (туякашларнинг) туяларга қаттиқ бақир-чақири, ур-сури, шовқин-суронини эшитиб, уларга қамчи билан ишора қилиб: “Эй одамлар, ўзингизни босинг, чунки шошилишдан фойда йўқ ” деган эканлар”.

Муҳаддис юқоридаги ҳадисда келган кам учрайдиган إيضاع “ийдоъ” – “шошилиш” сўзини қуйидаги оятдан иқтибос келтириб шарҳ қилган:

لو خرجوا فيكم ما زادوكم إلا خبالا ولأوضعوا خلالكم يبغونكم الفتنة وفيكم سماعون لهم والله عليم بالظالمين “Агар улар сизга қўшилиб (жангга) чиққанларида ҳам, ёмонликдан бошқа нарсани зиёда қилмасдилар, тезлаб орангизга фитна солишга уринардилар. Ҳолбуки, ичингизда уларга қулоқ солувчилар бор. Аллоҳ золимларни билувчи

зотдир”. Иқтибос қилиб келтирилган ушбу أوضعوا خلالكم “тезлаб орангизга” сўзи, одамларнинг шошиб, бири-биридан ўзиб кетиш ҳолатини очиб бермоқда. Муҳаддис ҳадисларни мана шундай қисқа ва лўнда шарҳлаганлиги унинг ўзига хос усулларидан саналади. Шарҳ этилган жумла қуйидагича: فإن البر ليس بالإيضاع “чунки шошилишдан фойда йўқ”. Ҳадис лўнда қилиб أوضعوا أسرعوا (خلالكم) “тезлаб орангизда” жумласи билан шарҳланади.

Иккинчиси “Каҳф” сурасининг 33-ояти шундай:

كلتا الجنتين ءاتت أكلها ولم تظلم منه شيئا وفجرنا خلالهما نهرا

“Ўша икки боғ ҳосилларини бекаму кўст берар ва ораларидан анҳор оқизиб қўйган эдик”.

Бу ерда وفجرنا خلالهما “Ва фажжарна хилаалаҳума”, яъни “ораларидан анҳор оқизиб қўйган эдик” ибораси ҳам юқоридаги сўзни шарҳлаб келган. Ушбу оят билан муҳаддис ҳадисда келтирилган воқеани ўқувчининг идрок ва тафаккурида гавдалантиришга ҳаракат қилган.

Имом Бухорий юқорида келган биринчи ҳадисда унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда бобга сарлавҳа қўйган бўлса, иккинчи ҳадисда бобнинг номи айнан юқорида кўрсатилган ҳадисдан иқтибос қилиб келтирилган. Унда ҳадисдаги أيها الناس عليكم بالسكينة، فإن البر ليس بالإيضاع “Эй одамлар, ўзингизни босинг, чунки шошилишдан фойда йўқ” жумласи олиниб, мазмуни сарлавҳага чиқарилган. Бу муҳаддиснинг бошқаларда асло учрамайдиган ўзига хос усулидир.

Ҳадислар ҳамиша бирон-бир оятни тасдиқлаб, уни тафсир қилишга, тушунтиришга, изоҳлашга, оятларни таржима қилиб, уларнинг маъноларини очиб беришга хизмат қиладиган калит ҳисобланади. Бу ўринда оятлар ҳам ҳадисларнинг нечоғлик тўғри эканлигини қувватлаб, уларни англашга хизмат қилади. Бу жиҳатдан Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини шарҳлашга, маъноларини аниқлашга имкон беради.

Имом Бухорий ҳазратлари уларнинг ана шу хусусиятларини кўзда тутган ҳолда оятлардан иқтибос келтирган. Балоғат ва фасоҳат илмидан маълумки, Қуръони карим араб қабилалари орасида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юқори ўрин эгаллаган, адабий ва бадиий жиҳатдан энг чўққига чиққан Қурайш шевасида нозил бўлган. Ўша даврда Қуръони каримнинг маъноларини англаш саҳобалар учун қийин кечмаган. Шундай бўлса-да, оятларни тушунишга ва уларнинг тафсирига эҳтиёж бўлган.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари Қуръон оятларини тафсир қилишни бошлаб берганлар. Саҳобаи киромлар орасида ибн Аббос розиялоҳу анҳу каби зотлар Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганган тафсирга оид билимларни тарқатишга ҳаракат қилганлар. Замон ўтиши билан араб ва ажам дунёсида ҳадисларга қизиқиш ва эътибор ортиб борди. Ҳадисларни шарҳлаш ва уларни таржима қилишга ҳам эҳтёж туғилди. Жамият талабини қондириш мақсадида ислом олимлари тарафидан Қуръони каримга тафсирлар, ҳадиси шарифларга шарҳлар битилди. Абу Абдуллоҳ Имом ал-Бухорий ҳадисларни ривоят қилишда ва уларни шарҳлашда классик усул, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сунатларини ҳамда саҳобаи киромларнинг йўлларини маҳкам тутган.

Юқорида келтирилган ҳадисларда ҳам айнан لم يقارف “айб иш қилмаган” сўзи ёки أوضعوا “Авдоъуу” – “шоширдилар” сўзини ояти карималардан иқтибос келтириб, шарҳ қилганликлари бунинг яққол далилидир.

Мавлоно шоҳ Валиюллоҳ ад-Деҳлавий ибн Мавлоно шайх Абдураҳим эса ўзининг رسالة شرح تراجم أبواب صحيح البخاري “Рисолату шарҳи тарожими абваби Саҳиҳ ал-Бухорий” номли асарида “истинбот” استنباط (тадқиқот, кашфиёт) сирларини қуйидагича келтирган: “бир ҳадисда бир неча масалалар, ҳукмлар мавжуд. Муҳаддис у ҳадисни турли мавзудаги боблар остида айри-айри масалани баён қилиш учун такроран келтиради”. Имом Бухорий ҳадисларни баён қилиш асносида, бир мазҳабни бошқасидан устун қўймайди. Яъни ўз ижтиҳодига тўғри келмаган фикрни ўзганинг тили орқали гўзал тарзда ифода этади. Масалан: باب من قال كذا “мана бундай деган киши ҳақида” бобида бу усул билан бошқа мазҳабларнинг тутган йўлларини зикр этиб, сўнг ўзининг фикрини қувватлайдиган ёки барча мазҳабларда мавжуд масалага доир ҳадисни келтириб ўтади. Сарлавҳани эса ўзганинг тилидан эмас, балки умумий тарзда: باب ما يقول عند الخلاء “Ҳожатга киришдан олдин нима дейиш кераклиги ҳақидаги боб” деб номлайди.

Бу ерда ما юкламаси араб тили нуқтаи назаридан умумийликни ифода этган бўлиб, тўрт мазҳабда мавжуд ва иттифоқ этилган масалани баён этиш учун келтирилган.

Муҳаддиснинг яна бир ютуғи шундаки, у ҳадислар матнида уламолар орасида ихтилофли бўлган масалани ҳам боб сарлавҳаларида ва уларга келтирилган иқтибосларда тушунтириб ўтади. Жумладан, Бухорий ҳадиснинг матнидан иқтибос келтиради. Иқтибос қилиб келтирилган ўринларда уламолар орасида ихтилофли бўлган масалаларга ҳам тўхталади. Масалан, باب تأخير السحور "Саҳарликни кечиктириш ҳақида"ги бобнинг остида қуйидаги ҳадис келтирилган: حدثنا محمد بن عبيد الله، حدثنا عبد العزيز بن أبي حازم، عن أبي حازم، عن سهل بن سعد رضي الله عنه قال: كنت أتسحر في أهلي ، ثم تكون سرعتي أن أدرك السجود مع رسول الله صلي الله عليه و سلم.

Саҳл ибн Саъд (р.а) дан ривоят қилинади: "Аҳли аёлим билан саҳарлик қилардим. Кейин Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сажда қилишга етиб олиш учун шошиб қолар эдим".

Ушбу ҳадисда ثم تكون سرعتي أن أدرك السجود иборасининг маъноси иқтибос қилиб келтирилган. Бобнинг аталиши билан ҳадис ўртасида нозик боғлиқлик бор. Чунки юқоридаги ҳадисда иқтибос қилиб келтирилган гап асарнинг бошқа қўлёзма нусхаларида: ثم تكون سرعتي أن أدرك السحور "Кейин Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга саҳарлик қилишга етиб олиш учун шошиб қолар эдим" деб берилган. Бу икки асарнинг ўртасидаги фарқ سجود "сажда" ва سحور "саҳарлик" сўзларининг қайси бири матнда мантиқан ўз ўрнида ишлатилганлигидир.

Мақолада иқтибос қилиб келтирилаётган икки асарнинг матнида фарқ қуйидагича: Авалги асарнинг матни 2013 йил "Олтин силсила" рукни остида чоп этилган тўпламдан иқтибос қилиб келтирилган. Бу асар ҳозирги замон уламоларининг кўпчилиги тавсия қилган "Саҳиҳ ал-Бухорий"нинг Истанбулдаги "Султония" деб номланган нусхаси асосида таржима қилинган. Асар Усмонли халифа Султон Абдулҳамидхоннинг буйруғи билан мисрлик бир гуруҳ олимлар томонидан бир нусхада тайёрланган. Унда Ювийний нусхаси асос қилиб олинган ва бошқа нусхалар ўртасидаги фарқлар кўрсатиб ўтилган.

Иккинчиси, ЎзР ФАШИ да сақланаётган 7980 рақам остидаги "Саҳиҳ ал-Бухорий" асаридир.

Ҳадисда келган سجود "сажда" ва سحور "саҳарлик" сўзлари матндаги ихтилофни кўрсатиб турибди. Муҳаддис олимлар қайси бири ҳақиқат эканлигида баҳс юритган. Уларнинг кўпчилиги راجح сўзининг سجود "рожиҳ" "афзал"лигига иттифоқ килишган. Бухорий бу ерда саҳарликни кечиктириш ҳақидаги боб билан бошлаб, қуйида мунозарага сабаб бўлган сўзнинг мантиқан тўғри келадиган вариантини ҳадис матнида беради. Бу ҳам ҳадисларни сарлавҳалашда муҳаддиснинг ўзига хос усулларидан бири эди.

Бу синчковлик ортида Имом Бухорий Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ҳукм чиқаришга қаттиқ уринган, ҳар бир ҳадисдан кўплаб масалалар чиқарганини англатади. Табиийки, ҳадисларни шарҳлашда ҳеч бир олим бундай йўлни тутган эмас.

Муҳаддиснинг яна бир ютуқларидан бири, муайян ҳадисни келтирар экан, шу ўринда унга зид ривоятни ҳам эсга олади. Масалан, юқоридаги ҳадисга қуйидаги ривоят далил сифатида келтирилган:

حدثنا عبد الله بن يوسف قال: أخبرنا مالك، عن يحيى بن سعيد، عن محمد ابن يحيى بن حبان، عن عمه واسع بن حبان، عن عبد الله بن عمر أنه كان يقول: إن ناسا يقولون إذا قعدت علي حاجتك، فلا تستقبل القبلة ولا بيت المقدس. فقال عبد الله بن عمر: لقد ارتقيت يوما علي ظهر بيت لنا، فرأيت رسول الله (صعلم) علي لبنتين مستقبلا بيت المقدس لحاجته. و قال لعلك من الذين يصلون أوراكهم ، فقلت: لا أدري والله. قال مالك: يعني الذي يصلي ولا يرتفع عن الأرض، يسجد وهو لاصق بلأرض

Восеъ ибн Ҳаббондан ривоят қилинади: "Абдуллоҳ ибн умар розияллоҳу анҳумо: Одамлар: Қазои ҳожатга ўтирганингда қиблага ҳам, Байтул Мақдисга ҳам ҳам юзланмагин", дейишади дер эди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо: "Бир кун уйимизнинг томига чиққан эдим, Расулуллоҳ (с.а.в.)ни қазои ҳожат вақтида икки ғишт устида Байтул Мақдисга юзланган ҳолда кўрдим ", деди.

(У) менга "Балки, сен ҳам сони билан (қорнини ёпиштириб) намоз ўқийдиганлардан (яъни суннатни билмайдиганлардан) бўлсанг керак ?" деди. "Худо ҳақи билмайман", дедим".

Молик: "У киши ердан кўтарилмай намоз ўқийдиган, ерга ёпишиб сажда қиладиганни назарда тутган", дейди".

Юқоридаги ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг одамлардан эшитганлари ва уйларининг томига чиқиб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қазои ҳожатдаги ҳолатини кўриб

ажабланган. Бундан кўриниб турибдики, ҳадисда зиддият бор. Аммо ушбу ҳадиснинг шарҳларида Расулуллоҳнинг Байтул Мақдисга жуссалари билан эмас, балки бошлари билан юзланганлиги айтилган.

Яна бир мисол: Бухорий асарда **“Рамазон ойининг қазоси қачон ўталади?”** номли бобни келтиради. Сарлавҳанинг савол тарзида келиши, боб остида келадиган масала олимлар ўртасида ихтилофли бўлганини англатади.

Ҳадис қуйидагича берилган:

وقال ابن عباس: لا بأس أن يفرق لقول الله تعالي: «فعدة من أيام أخر» وقال سعيد ابن المسيب في صوم العشر: لايصلح حتي يبدأ برمضان. وقال إبراهيم: إذا فرط حتي جاء رمضان آخر يصومهما، ولم ير عليه طعاما. ويذكر عن أبي هريرة مرسلا، وابن عباس: أنه يطعم. ولم يذكر الله الإطعام، إنما قال: «فعدة من أيام أخر»

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: “Аллоҳ таолонинг “Бас саноғи бошқа кунлардан”, деган сўзига кўра, уни бўлиб тутишнинг зарари йўқ”.

Саъид ибн Мусайяб (Зулҳижжадаги) ўн кунлик рўза ҳақида: “Уни Рамазон (ичида қолдирилган рўза) билан бошламаса, дуруст бўлмайди”, дейди.

Иброҳим: “Агар кейинги Рамазон келгунча ҳам сусткашлик қилган бўлса, икковини ҳам тутади”, деган. У мискинларга таом тарқатиш лозим бўлади, деб билмаган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан мурсал (бундай ҳадис турларида санаддан саҳобий тушиб қолади.) тарзда, шунингдек, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, (рўзани қолдирган киши мискинларни) таомлантиради.

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло таомлантиришни зикр қилмаган, **“Бас, саноғи бошқа кунлардан”** деган, холос.

Муҳаддис юқорида зикр этилган боб остида рамазон ойининг қазоси қачон ўталиши борасидаги ихтилофли масалаларни келтиради. Уларнинг ҳар бирини бирма-бир санаб ўтгач, умумий хулосани берувчи, яъни турли фикрларни жамловчи ҳадисни айни шу бобда, ихтилофли масала остида келтиради. Масалан:

حدثنا أحمد بن يونس، حدثنا زهير، حدثنا يحيى، عن أبي سلمة قال: سمعت عائشة رضي الله عنها تقول: كان يكون علي الصوم من رمضان، فما أستطيع أن أقضي إلا في شعبان. قال يحيى : الشغل من النبي أو بالنبي صلي الله عليه وسلم.

Яҳё Абу Саламадан ривоят қилинади:

“Мен Оиша розияллоҳу анҳонинг “Рамазонда зиммамда рўза қолган бўларди. Мен қазосини тутиб беришга шаъбон ойидагина қодир бўлардим”, деганини эшитганман”.

Яҳё: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам туфайли машғул бўлгани учун”, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилиш сабабли рўзанинг қазосини тута олмай қолар эдилар”, дейди.

Имом Бухорий боб таркибида кейинги ҳадисни келтириш билан ихтилофли жойларга барҳам беришни кўзлаган. Чунки биринчи ҳадисда рамазон ойининг қазоси қачон ўталиши борасида бир қанча фикрлар бор эди. Масалан:

1. Рамазон рўзасини бўлиб тутишнинг зарари йўқ.
2. Зулҳижжанинг ўн кунлик рўзаси рамазон ичида қолдирилган рўза билан бошланиши.
3. Кейинги рамазонгача сусткашлик қилса, икковини ҳам тутади.
4. Рўзани қолдирган одам мискинларни тўйдириши.

Кейинги ҳадисда эса имконият топилган пайтда рамазон рўзасини ўташ мумкинлиги очиқ-ойдин айтилган.

Муҳаддис бундай зиддиятли масалаларни бир ерда келтиришидан мақсад, ҳадислар моҳиятини ўқувчининг ақлига мантиқан тўғри етиб боришини таъмин этган деб айтиш мумкин.

Имом Бухорий ҳадисларни бизга аслидай етказиш учун фавқулодда ақлу заковат билан иш кўрган ва бунга жиддиий эътибор қаратган. У Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ҳукм чиқаришга қаттиқ уринган. Ҳар бир ҳадисдан кўплаб масалалар моҳиятини чиқарган. Буни ундан олдин ҳеч ким қилмаган. Ҳадислар дуч келган шаклда эмас, балки изчил, муайян тизимда жойлаб чиқилган. Зийрак ўқувчи мутолаа жараёнида ҳадислар ва уларнинг сарлавҳалари изчиллиги ҳамда бир-бири билан уйғунлиги туфайли улар мазмунини бирон-бир қийинчиликсиз илғаб олади.